# ЁШ ПАХТАКОРЛАР КЕНГАШМОҚДА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 10 (3238). | Шанба, 15 январь 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

## ПАХТАКОР ЁШЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СЛЁТИ

14 январда Ўзбекистон пойтахтида пахтакор ёшларнинг Бутуниттифоқ бешинчи слёти очилди.

Слётга Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон, Закавказье пахта далаларининг қаҳрамонлари, машҳур механизаторлар тўпланишди. Космонавт-учувчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. М. Комаровнинг слётга келганлиги тўғрисидаги хабар қизғин қарсаклар билан кутиб олинди.

Слётда ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. Т. Дувакин доклад қилди.

Слёт ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Ё. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, республика партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари қатнашаяптилар.

Пахтакор ёшлар йиғини икки кун давом этади. Слёт қатнашчилари Тошкент областининг илғор пахтакор хўжаликларида, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида бўладилар, Ўрта Осиё машина-синаш станциясига экскурсия қиладилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига борадилар. (ЎзТАГ).

Суратларда: (юқорида) слет залидан бир кўриниш, (пастда) слёт қатнашчиларидан андижонлик Олмахон Самсоқова, (чапда) Юлдузхон Оппоқова, Маннон Жалолов, тошкентлик Турсуной Райимова ва сурхондарёлик Назиртош Тўраев ўртоқлар танаффус вақтида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

А. Абалян фотолари.





## СИЁСИЙ ЎҚИШ РАҲБАРИ

Коммунистларни марксча-ленинча таълимот билан пухта қуроллантириш, уларнинг сиёсий савиясини янада ошириш — партиянинг ленинча бош йўлини, унинг коммунистик жамият қуришга қаратилган сиёсатини ҳаётга муваффақиятли жорий қилишнинг гаровидир. КПСС бу жуда муҳим ҳаётий эҳтиёжни миллионларнинг ленинча университети — партия маорифи системаси орқали қондиради.

Партия ўқувининг энг муҳим мақсади ва асосий вазифаси — совет кишиларида ва даставвал КПССнинг барча аъзолари ҳамда аъзоликка кандидатларида илмий дунёқарашни шакллантиришга актив ёрдам бериш, уларда КПСС назарияси ҳамда сиёсатини чуқур англаб олишга бўлган ички эҳтиёжни кучайтиришдан иборатдир. Партия ўқуви олдига қўйилган ана шу ниҳоятда жиддий талабларни ўринлатишда сиёсий ўқиш раҳбари — пропагандист ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Пропагандист! Бу сўзда ҳам юксак масъулият, ҳам катта ҳурмат, ишонч мужассамланган. Негаки, пропагандист ўз билими, тажрибаси, ижод ва маҳоратини улуғ ишга — партия сиёсатини коммунист ҳамда партиясизлар онгига сингдиришга бағишлаган сиёсий муаллим, ғамхўр тарбиячи. У ғолиб марксизм-ленинизм таълимотининг илҳомбахш ғояларини коммунизм учун курашдаги амалий иш билан боғлашга қобил бўлган, кишиларда илҳом ва ғайрат қўзғата оладиган зеҳни ўткир, омилкор, етук сиёсий жангчи, партия маорифи системасининг садоқатли жонкуяридир.

Областимизда пропагандист деган шарафли вазифа ишониб топширилган кишилар сони 6500 дан ортиқ. Улар партия ўқувининг турли звеноларида шуғулланаётган 80 мингдан ортиқ коммунист ва партиясизларни сиёсий ҳамда назарий жиҳатдан маърифатли қилмоқдалар.

Ўзига юклатилган партиявий топшириққа виждон ва ихлос билан қараб, тингловчилар орасида катта обрў-эътибор орттирган пропагандистлар областимизда анчагина. Ўқитувчи Ҳусан Иброҳимов Калинин районидаги Калинин номли колхозда ташкил этилган марксизм-ленинизм асослари мактабининг пропагандисти. Ўзининг камтарлиги, пухта билими, суҳбатда кишилар қалбига йўл топабилиши билан тингловчилар ҳурматига сазовор бўла олган бу пропагандист кўп йиллардан бери сиёсий ўқишга раҳбарлик қилади. У ҳар бир машғулотга кўплаб қўшимча адабиётларни кўздан кечириб, пухта тайёргарлик кўради, машғулотни колхоз экономикаси билан узвий боғлаб, кўргазмали материаллар асосида жонли ва таъсирчан қилиб ўтказади. Шундай илиқ гапларни Бекобод район, 2-«Далварзин» совхозидаги К. Абдураҳмонов, Юқори Чирчиқ район «Политотдел» колхозидаги М. Д. Хван, Ўрта Чирчиқ район «Ленин йўли» колхози раиси Холтурсун Пўлатов ва бошқа кўпгина пропагандистлар тўғрисида ҳам айтиш мумкин.

Партия сиёсий ўқуви янгича ташкил этилган ва унинг олдига марксча-ленинча назария ва сиёсий билимларни пухта биладиган ғоявий жангчини тарбиялаш вазифаси қўйилган ҳозирги шароитда пропагандистнинг масъулияти ғоят ошиб кетди. Пропагандист замон, давр, ҳаёт талабларига ҳозиржавоб бўлиши, сиёсий масалалар билан экономика масалаларини яхши билиши учун доимо ўз устида ишлаши керак. Зотан, партиямизнинг коммунизм моддий-техника базасини яратиш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш ва янги кишини вояга етказиш каби ўзаро диалектик боғлиқ вазифаларни бажараётган сиёсатини ҳамда ташкилотчилик фаолиятининг туб мазмунини тобора чуқурроқ билиб олишда тингловчиларга мураббий бўлиш, маслаҳатлар бериш осон иш эмас. Бу пропагандистдан сабот-матонатни, янгиликни дарҳол пайқаб олиб, ўз суҳбатида фойдалана билишни талаб этади.

Шуни унутмаслик керакки, ваъзхонлик, цитатабозлик, умумий гаплар билан машғулотларни дабдабавозликка айлантириб юбориш сиёсий-тарбиявий ишларга катта путур етказади. Чунки конкрет ҳаёт билан, сиёсий тўгарак ишлаб турган хўжалик олдидаги вазифалар билан боғланмаган қуруқ гапдонлик умумий ишимизга ҳам, тингловчилар назарий билимини оширишга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ўз партиявий бурчига масъулиятсиз қараган, муҳим сиёсий-тарбиявий ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйган пропагандистгина шу қабилда иш тутади. Ўқув йилининг бошларида Оққўрғон, Бўка, Янгийўл районлари ва Бекобод шаҳридаги айрим партия ўқуви шохобчаларида ана шундай камчиликлар содир бўлди.

Коммунистик партиямиз ва унинг ленинчи Марказий Комитети халқ хўжалигига реал имкониятлар ва социализмнинг объектив иқтисодий қонунларкга асосланган илмий раҳбарликни амалга оширмоқда. Марказий Комитет март ва сентябрь [1965 йил] Пленумлари белгилаб берган ҳаётий тадбирлар бунинг ёрқин далилидир. Саноат ва қишлоқ хўжалигимизни янги юксак поғоналарга кўтарадиган бу тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш моддий бойлик яратиш билан банд бўлган ҳар бир коммунистдан, айниқса, раҳбар ходимлардан иқтисодий билимларни чуқур ўрганишни, ишлаб чиқаришнинг конкрет экономикасини билиб олишни талаб этади. Модомики шундай экан, партия ўқувида иқтисодий билим масаласига алоҳида эътибор бериш зарур. Бу эса пропагандистлар зиммасига жиддий масъулият юклайди.

Пропагандист қандай тўгарак ёки мактабда сиёсий ўқишга раҳбарлик қилмасин, у экономиканинг туб масалаларини сира эътибордан қочирмаслиги, олдимизда турган улкан сиёсий ва хўжалик вазифаларини бажаришда тингловчилар активлигини оширишни даркор. Бунинг учун аввало пропагандистнинг ўзи иқтисодий билимнинг назарий асослари ва фактик материаллардан яхши хабардор бўлиши лозим.

Сиёсий ўқишнинг ҳар бир раҳбари партия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган доимий ғамхўрлик ва ёрдамга муҳтож эканлигини сира эсдан чиқармаслик керак. Пропагандистларни бошқа жамоат топшириқлари билан ортиқча банд қилмаслик лозим. Улар олиб бораётган муҳим ишнинг қадрига етиб, энг яхши пропагандистларни рағбатлантириб туриш керак. Иш манфаатлари пропагандист кадрларни тайёрлаш, уларни кунт билан тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор беришни талаб этади. Партия ташкилотлари пропагандистлар тайёргарлиги ва методик маҳоратини ошириш, уларнинг нутқ маданиятини ўстиришда Тошкент область ва шаҳар сиёсий маориф уйи, колхоз ва совхозларда ишлаб турган 150 дан ортиқ сиёсий маориф кабинети, 120 га яқин методик кенгашлардан ва бошқа қулай шарт-шароитлардан янада унумли фойдаланишлари керак. Бу жойлар пропагандистлар малакасини ошириш ва тажриба алмашишнинг ҳақиқий марказига айлансин.

Улуғвор етти йилликнинг якунловчи йилида халқимиз улкан ғалабаларга эришди. 1965 йил Ватанимиз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар йили бўлди. Мана энди мамлакатимиз янги беш йилликнинг биринчи йилига қадам қўйди. Эришилган ютуқлар партиямиз оқилона ички ва ташқи сиёсатининг натижаси, халқимиз фидокорона меҳнатининг самараси эканлигини тингловчиларга тушунтириш, уларни меҳнатда янги қаҳрамонликлар сари отлантириш — ҳар бир пропагандистнинг шарафли бурчидир.

## НАВҚИРОН ҚАЛБЛАР

### Слёт залидан репортаж

Машҳур тожик шоири Рудакий «Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун, дўстлар дийдоридан бўлолмас устун» деган эди. Кеча ёш пахтакорларнинг Бутуниттифоқ V слётида бўлган киши бу гап бутун борлиги билан жаранглаётганлигининг шоҳиди бўларди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар зали. Эрталаб. Ҳали слёт бошланишига талайгина вақт бор. Кенг ва ёруғ фойелар мамлакатимизнинг турли чеккаларидан келган ёш пахтакорлар билан тўла. Зал бўйлаб оҳанграбо куй таралиб турибди.

«Оқ олтин» соҳибкорларининг бу катта анжуманига космонавт ўрток В. Комаровнинг ташриф буюрганлиги слёт қатнашчиларининг қувончига-қувонч қўшиб юборган. У бу йиғинга бутун дунёни ҳайратда қолдирган мард ўғлонларимиз — совет космонавтлари номидан вакил бўлиб келган.

Залдаги учрашув тобора авжига чиқаяпти. Озарбайжондан, Арманистондан, Туркманистондан, Тожикистондан, Қирғизистондан, Қозоғистондан, Ўзбекистонимизнинг турли областларидан келган ёшлар ҳар ер ҳар ерда давра қуриб, гурунг қилишаяпти. Биз бир даврага бориб қўшилдик. Бу ерга андижонлик машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маннон Жалолов, самарқандлик уста пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Суяр Толмасов, тошкентлик турсунойчилардан Саодат Турдиалиева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Турсуной Раимова, арманистонлик Кнарик Нацаканян, озарбайжонлик Малоҳат Мамедова, қиргизистонлик Қамбар Усенов, сурхондарёлик юқори ҳосилли бригада бошлиғи Назиртош Тўраев ва бошқа бир қанча ўртоқлар йиғилишган эди. Суҳбатга қулоқ солдик:

— Маннон ака, — деди Турсуной, — бултур қанча пахта тердингиз?

— Уч юз қирқ тонна.

— Ў-ҳў, рекорд қўйибсизку! Бригадангизнинг ишлари қалай бўлди?

— Қалай эмас, олтин бўлди деяверинг, — ҳазиллашди Маннон ака, — планни беш иш кунида бажардик. Бизнинг ерларимиз бўз ерлар. Шундай бўлса ҳам йигирма етти центнердан хирмон кўтардик. Ўзим «Ўзбекистон» машинаси билан ҳалиги айтганимдай уч юз қирқ тонна пахта тердим. Хўш, ўзингиздан эшитайлик, Турсуной.

Турсуной бригада пахтакорлари ўтган йили ҳосилдорликни ўттиз олти центнерга етказганликлари, ўзи қарийб 200 тонна пахта терганлиги, бу йил ҳосилдорликни кам деганда икки-уч центнерга оширишни кўзда тутаётганликлари тўғрисида гапирди. Кейин Озарбайжондан келган дугонаси Малоҳатдан сўради:

— Ўртоқжон, сизларнинг юртингизда ёшлар қандай ишлар қилишаяпти?

— Бизнинг Озарбайжонимизда ҳам ёш пахтакорлар кўп. Бултур қирқ икки мингга яқин йигит-қиз Озарбайжоннинг қарийб 335 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини жам қилишда фидокорлик кўрсатди. Республикамизда комсомол-ёшлардан иборат 1239 та коллектив бор. Улар 65 минг гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштиришди. Бизларда ҳам Маннон акага, Сизга, Саодатхонга, Назиртошга, Суяржонга ўхшаган донгдор механизаторлар кўп. СССР Олий Советининг депутати Сардор Имралиев машинада 310 тонна пахта териб, бутун республикамизда рекорд қўйди.

Гап навбати Жумагул Ермаковага келганда, у ўз юрти жанубий Қозоғистон ёшларининг ишидан сўзлади. У ерда 270 дан ортиқ комсомол-ёшлар звеноси бор. Улар 13 минг гектардан ортиқ ерда пахта етиштиришади. Бултур ўз ерларидан баракали хирмон кўтариб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлишди. Жумагулнинг ўзи бошчилик қилаётган звено 34 центнердан хирмон кўтарди. Буни эшитиб, даврадагилар Жумагулни чин юракдан табрикладилар...

...Залнинг ҳар ер ҳар ерида давра қурган бошқа ёшлар ҳам бир-бирларига ўз ишлари тўғрисида ҳикоя қилиб беришар, тажрибаларини ўртоқлашишар, ютуқларнинг сиридан бир-бирларини хабардор қилишарди. Пахта денгизларида жавлон ураётган бу навқирон деҳқонларни қудратли тўлқинга ўхшатсак бўлади. Шу тўлқин она-Ватанимизнинг «оқ олтин» хазинасини бойитишда тенги йўқ куч бўлиб хизмат қилмоқда. Пахтачилигимизнинг келажаги ана шу ёшларнинг қўлида. Улар пахта хирмонларини бундан буён тағин ҳам баландроқ қад кўтартиришга қодирдирлар...

Ёш пахтакорларнинг Бутуниттифоқ слёти ўз ишини давом эттирмоқда. Юртимизнинг фахри бўлган далаларимизнинг ёш гвардиячиларига муваффақиятлар тилаймиз!

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

## РАСМИЙ ХАБАРЛАР

### А. Н. Косигиннинг Деҳлида бўлиши

ДЕҲЛИ, 13 январь. (ТАСС). Бугун Ҳиндистон бош министри Гулзарилаъл Нанда СССР Министрлар Совети раиси А. Н. Косигин ҳузурига жавоб визити билан келди ва улар ўртасида дўстона суҳбат бўлди.

* * *

ДЕҲЛИ, 14 январь. (ТАСС). Кеча кечқурун СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Франция президентининг Л. Б. Шастрини дафн қилиш маросимида қатнашган махсус вакили Луи Жокснинг илтимосига кўра уни қабул қилиб, дўстона суҳбатлашди.

Л. Б. Шастрини дафн қилиш маросимида қатнашган Япония ҳукуматининг махсус вакили Нака Фунада СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин ҳузурида бўлди. Улар ўртасида дўстона суҳбат бўлди.

* * *

ДЕҲЛИ, 14 январь. (ТАСС). Ҳиндистон миллий конгресси партиясининг раиси К. Камараж бугун жавоб визити билан СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин ҳузурида бўлди.

А. Н. Косигин билан К. Камараж ўртасида самимий ва дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

* * *

ДЕҲЛИ, 14 январь. (ТАСС). Л. Б. Шастрини дафн қилиш маросимида қатнашиш учун Деҳлига келган Миср делегациясининг бошлиғи, Бирлашган Араб Республикасининг вице-президенти Ҳусайн Ашшафий бугун хайрлашув визити билан СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин ҳузурида бўлди.

### А. Н. Косигин Афғонистонга жўнаб кетди

ДЕҲЛИ, 14 январь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин бугун Афғонистонга жўнаб кетди.

### Совет делегацияси Дарханга келди

ДАРХАН, 14 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Совет партия-ҳукумат делегацияси Монголия Халқ Республикаси шимолидаги йирик саноат маркази —Дархан шаҳрига келди. Вокзалда совет делегациясини Дархан раҳбарлари, шаҳарнинг минглаб бинокорлари ва меҳнаткашлари кутиб олдилар. Делегация шарафига фахрий қоровул саф тортиб турди, Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси давлат гимнлари ижро этилди.

## СУТ КЎПАЙМОҚДА

### А. ЧУДНАЯ ИЗИДАН

Колхозимизда илгари чорвачилик анча оқсаган эди. Хўжалик мутахассислари йиғилиб, бунинг сабабларини излай бошладик. Ҳамма гап ишни ташкил қилишда экан. Маълумки, чорвачиликнинг муваффақиятли мўл-кўл ем-хашак базасига боғлиқ. Ем-хашак етишмаса сигирлар орқлаб кетади, сутини тортиб қўяди.

Илгарилари бизда ем-хашак қандай тайёрланарди? Ҳамма далачилик бригадаларига ем-хашак етиштириш юзасидан муайян топшириқ берилarди. Улар ўз майдонларининг кичик бир участкасига ем-хашак экинлари экишарди. Ферма ходимлари улардан ем-хашак талаб қилардилар. Лекин ҳамма вақт ҳам бу экинлардан мўлжалдаги ҳосил олинмас эди. Нега деганингизда, бригададагилар сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни ўзларининг энг асосий бурчлари деб билиб, ем-хашак етиштиришга яхши эътибор беришмасди. Оқибатда ферма етарли озуқа билан таъминланмас, молларнинг маҳсулдорлиги пасайиб кетган, бу соҳа хўжаликка зиён келтирар эди.

Маслаҳат билан комплекс чорвачилик бригадаси тузиладиган бўлди. Бу бригадага фермадаги қорамоллар, сигирлар, шунингдек маълум миқдорда ер ажратиб берилди. Чорва моллари учун етарли ем-хашак етиштириш ферма ходимларининг зиммасига юклатилди.

Бу тадбир орадан бир йил ўтар-ўтмас ўзининг қувончли натижаларини бера бошлади. Илгарилари «ем-хашак берингглар» деб бригадама-бригада ялиниб юрсак, энди ўз фермамизга керакли ем-хашакнинг ҳаммасини ўзимизга ажратилган ерда етиштирадиган бўлдик. Натижада молларимизга бериладиган озуқалар керагидан ҳам кўп бўлди. Комплекс чорвачилик бригадаси тузилган биринчи йилиёқ сут ва гўшт етиштириш сезиларли даражада кўпайди, маҳсулот таннархи арзонлашди, ферма илгаригидек зиён эмас, катта фойда келтирадиган бўлди.

Бригадамиз аъзолари айниқса етти йилликнинг сўнгги йилини катта зафарлар билан якунладилар. Юз бош сигиримизнинг ҳар бир бошидан пландаги 2600 литр ўрнига 2900 литрдан сут соғиб олишга, ҳаммаси бўлиб 256 минг 300 литр сут етиштиришга муваффақ бўлдик. Илғорларимиз эришган кўрсаткич бундан ҳам юқори бўлди. Сут соғувчиларимиздан Шермат Ашуров Настя Безгина, Мунаввара Юсупова, Галя Серва сингари ўртоқларнинг ҳар бири ўз боқимидаги сигирлардан 44—45 минг литрдан сут соғиб олиб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлдилар.

Маҳсулот етиштириш кўпайган сайин чорвадорларимиз олаётган ҳақ ҳам сезиларли даражада ортаяпти. Бултур пландан ташқари 16 минг 500 литр кўп сут сотдик. Ана шунинг ярим ҳақи сут соғувчиларимизга устама мукофот тариқасида берилади.

Биз гўшт етиштиришни ҳам йил сайин кўпайтираяпмиз. 1965 йилги планни олти ойдаёқ бажариб қўйган эдик. Шундан кейин 60 бош қорамолни бўрдоқига боқа бошладик. Бу моллар ҳозир жуда семириб кетган.

Бригадамиз коллективининг бу йилги режалари катта. Улар ҳар бир бош сигирдан соғиб олинадиган сутни йил охиригача кам деганда 3 минг литрга етказишга бел боғладилар. Ҳозир чорва қишлови намунали ўтаяпти. Бултур ўзимизга ажратилган ерга маккажўхори экиб, 1200 тонна силос бостирган эдик. Бу ҳар бир бош сигирга 12 тоннага тўғри келади. Ҳар гектар ерга экkан лавлагимиздан ўрта ҳисобда 40 тоннадан ҳосил олдик.

Ўртоқ Рауф Пўлатов бошлиқ далачилик звеносининг аъзолари эса бу йилги мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Кузда мавжуд 50 гектар майдоннинг ҳар гектарига 500 килограммдан суперфосфат солиниб, чуқур шудгорлаб қўйилган эди. Ҳозир дала бошларига маҳаллий ўғит ташиб чиқарилаяпти.

Фермамизда фан ва техника ютуқлари ҳам тобора кенг қўлланилмоқда. Ўтган йили сунъий сут тайёрланадиган цех қурган эдик. Бу сигирлардан соғиб олинадиган сутни тежаб қолишда катта аҳамиятга эга бўлаяпти. Ҳар куни 200 литрдан сунъий сут тайёрланаяпти.

Республикамизнинг донгдор сут соғувчиси А. И. Чудная изидан бораётган фермамиз коллективи бу йил сут етиштиришни ҳар қачонгидан ҳам кўпайтириш учун янада зўр ғайрат кўрсатиб ишлайди ва жонажон партиямизнинг XXIII съездини муносиб совғалар билан кутиб олади.

М. ЮНУСОВА
Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз комплекс чорвачилик бригадасининг бошлиғи.

## БЕДА ЭКИШ БОШЛАНДИ

СОЛДАТСКОЕ. (ЎзТАГ). «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизаторлари илиқ кунлардан фойдаланиб, бугун Ўзбекистонда биринчи бўлиб беда экишга киришдилар.

Бу йил пойтахт областининг деҳқонлари суғориладиган ва лалми ерларда жойлашган бедапояларнинг учдан бир қисмини беданинг янги серҳосил уруғини экиш учун ажратиб қўйдилар. Бундай уруғни Ўзбекистон селекционерлари етиштиришган.

